

**Нарманов Зафар Қўзибоевич**

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти асистенти

**Норқулова Гулшода Самандар кизи**

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти магистранти

---

## **МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БИРЛИКЛАР ЧЕГАРАСИНИ БЕЛГИЛАШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

**Кириш:** Дунёда ҳозирги вактга келиб рақамли технологиялар ва геофазовий маълумотлардан фойдаланиш асосида, маъмурий худуд тўғрисида аниқ ишончли маълумотлар билан таъминлаш, худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ҳамда худудий чегаралар бўйича муаммоларни ечишда кенг фойдаланиб келинмоқда. Сўнги йигирма йил ичидаги дунё миқёсида урбанизация жараёни амалга оширилиш, ҳамда шаҳар, қишлоқларни ривожланиши натижасида, ушбу маъмурий худудларни майдонларини кенгайтиришда ер тузиш ва ерларни лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида ер тоифаларини ўзгариши ҳамда ер ҳисобини аниқ юритишга таъсирини кўрсатмоқда. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 21 июль куни ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича ўтказган йиғилишларида, мамлакатимизда ер хатлови охирги марта 40 йил олдин ўтказилганги ҳамда 140 та туманнинг маъмурий чегараси аниқ координата тизимида боғланмаганлиги, қишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш тартиби 20 йил олдин қабул қилинган ва ҳозирги ислоҳотлар талабига жавоб бермай қолганлиги тўғрисида тўхталиб ўтган эдилар.

Хар қандай вилоятнинг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишига маъмурий худудий тузилманинг ўзгарувчанлиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Маъмурий бирликларнинг қўшилиб яна қайта тикланиши, қишлоқ туманлари чегараларнинг ўзгариб туриши каби “географик ўйинлар” худудларни бошқариш, ахолига хизмат кўрсатиш, қолаверса, ретроспектив илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Туманларнинг маъмурий чегарасини баъзи ҳолатларда мавжуд маъмурий-худудий бирликлар чегараларига мос келмаслиги ва бунда туманлараро чегаралардаги ахборотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилишга, худудларнинг ўзига хос инфратузилма салоҳияти ўрганига ва имконияти мавжуд эмас.

Ишни бажариш мобайнида маъмурий-худуд чегара чизиқларини жойда лойиҳалаш, белгилаш жараёнида чегара худудида жойлашган ер тоифалари бўйича ер тузиш ишлари олиб борилди. Ер тузиш ва ер тузишни лойиҳалашда худудининг чегара чизиқларини лойиҳалаш жараёнида бир қанча муаммолар кузатилди. Булар қўйидагилардир:

- аҳоли пункт ерларида маъмурий чегара аҳоли томорқа ерларни кесиб ўтиши, кўчмас мулк обьектига бўлган хуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун тайёрланган ҳужжатлардаги чегара чизиқлари маъмурий худуд чегараси билан мос келмаслиги;
- қишлоқ хўжалиги ерлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар ва бошқа тоифадаги ерларнинг маъмурий-худуд чегара чизиқлари яхлит контурни кесиб ўтиши;
- лойиҳа ишларини бажараётган мутахассисларни тажрибаси етарли даражада эмаслиги;
- лойиҳа ишини бажариш муддатини қисқалиги.

Бу ҳолатда кўчмас мулк обьектига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олишда бир қанча ҳатоликлар борлигини кўрсатади. Жумладан, кўчмас мулкига кадастр рақамларини бериш, солиқса тортиш жараёнида муаммолар келтириб чиқаради. Бу каби ҳолатларга аҳоли пунктларида кўплаб учрайди, аҳоли томонидан қурилган бино ва иншоотлар, ноконуний қурилган кўчмас мулк обьектлари мисол қилиш мумкин. Бундай ҳолатларни бартараф этишда рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳар бир обьектнинг аниқ координата тизимси бўйича координаталарини аниқлаш ва маъмурий-худуд чегара чизиги ичида жойлашганлигига эътибор берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастр рақамларини бериш керак.

- кишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмон фонди ерлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва бошқа тоифадаги ерларнинг маъмурий-худуд чегара чизиклари яхлит контурни кесиб ўтиш ҳолатлари ер тузиш ва ер тузишни лойиҳа ишларини бажаришда қийинчиликлар келтириб чиқарди.



**1-расм. Маъмурий-худуд чегара чизиклари кўчмас мулк**

**объектларини кесиб ўтиш ҳолатлари**

\*Эшназаров Доңиёр Баҳромалиевич томонидан ўрганишлар асосида ишлаб чиқилган.

Бундай ҳолатларда маъмурий туманда ер ҳисобини юритишида, ҳамда ерлардан самарали фойдаланишни назорат қилишда қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Ўрганишлар давомида мавжуд бўлган маъмурий-худудий чегара чизиклари дала ариқларидан белгиланганлиги аниқланди. Чегара чизикларини лойиҳалаш талаблари асосида каналлар, коллекторлар, автомобиль ва темир йўллар, магистрал қувурлар бўйича белгилашда ер тоифаларини олиш ва беришга тўғри келади. Юқорида келтирилган муаммоларини ечиш учун маъмурий-худудий бирликлар чегарасини ажратиб турувчи муқобил чегара белгилари ишлаб чиқиш ва худуд чегараси координата тизими бўйича ўрнатиб чиқиши билан масалани ечиш мумкин.

- ишни бажараётган мутахассисларни тажрибаси етарли даражада эмаслиги.

Тадқиқот давомида мавжуд бўлган хужжатларни ўрганиш натижасида маъмурий-худудий бирликлар чегарасини расмийлаштиришда харита ва планлар, чегара тавсифларига мос

келмаслиги ҳамда стандарт шартли белгилар асосида расмийлаштирилмаганлиги аниқланди. Чегараларни белгилаш ва тавсифлаш бўйича ишлар уларни амалга ошириш учун тажрибали мутахассислар, рақамли технология ва дастурий таъминотлар билан ишлай оладиган малакали мутахассисларни жалб қилиш, бажарилган ишларнинг сифати ва муддатига ижобий таъсир қилади. Жумладан, лойиҳа ишни бажариш муддатини қисқалиги.

Чегараларни тавсифлаш бўйича ер тузиш ишларининг амалий тажрибаси ва ушбу жараённи тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий хужжатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу ишлар қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- 1) тайёргарлик ишларида меъёрий-хуқуқий хужжатларни таҳлил қилиш (15 кундан 30 кунгача);
- 2) маъмурий-худудий бирликлар чегаралари лойиҳа харитасини (режасини) шакллантириш (30 кундан 60 кунгача);
- 3) мувофиқлаштириш (агар қўшни худудлар ёки аҳоли пунктлари, ер участкалари эгалари ўртасидаги чегараларни жойлаштириш бўйича келишмовчиликлар бўлмаса, 15 кундан 30 кунгача бўлган муддатда якунланиши мумкин);
- 4) ер тузиш ишларини бажариш (15 кундан 30 кунгача);
- 5) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига чегаралар тўғрисидаги маълумотларни киритиш, чегаралар харитасини (режасини) ва бошқа хужжатларни келишиш ва тасдиқлатиш (1 ойдан 45 кунгача) давом этади.

Маъмурий-худудий бирликлар чегараларларни белгилашда рақамли технологиялар, замонавий геодезик ўлчов асбоблари, ерни масофадан зондлаш маълумотлари ва дастурий таъминотлардан фойдаланиш орқали лойиҳа ишларини белгиланган вақтда сифатли ва аниқ координата тизимларига боғлаган ҳолда бажариш асосида лойиҳа жараёнига сарфланадиган вақт ва маблағлардан тежаш имкони яратилади. Олиб борилган тадқиқот давомида, маъмурий-худудий бирликлар чегарасини лойиҳалаш, белгилашга доир амалдаги хуқуқий хужжатларни таҳлил қилиш, ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, натижасида рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда маъмурий-худудий бирликлар чегараларини лойиҳалаш, белгилаш тартиби ишлаб чиқилиш муҳим аҳамият касб этиш, ҳамда амалиётга жорий қилиш мақсадида чегараларни белгилаш тартиби ишлаб чиқилди.

Бу жараёни амалга ошириш учун биринчи галда давлат чегараларни геодезик таянч пунктлар, аниқ координата тизими, қўшни давлатлар чегара бўйича келишув шартномалари асосида аниқ белгилаб олиш муҳим ҳисобланди. Кегинги босқичда вилоятлар ўртасидаги чегаралар, шаҳар ва туманлар ҳамда сўнги босқичда шаҳарча, қишлоқ, овуллар маъмурий чегараларини рақамли технологияларни қўллаш орқали олиб борилади. Маъмурий чегараларни лойиҳалаш ва белгилаш 3 босқичда: тайёргарлик, дала ҳамда камерал ишлар бўйича олиб бориш тавсия этилади. Рақамли технологиялар ёрдамида лойиҳа ишларини олиб бориш, бажарилган ишларни доим сақлаш ва маълумотларни қайта ишлаш, ихтёрий масштабдаги харита, планларни тузиш билан аввалги анъанавий усуслардан кўра самарали ҳисобланди.

Ушбу бобда ўрганилган маъмурий-худудий бирликлар бўйича маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилашнинг хусусиятлари ва Ўзбекистон, хорижий давлатлар тажрибасини таҳил қилиш ҳамда улардан маъмурий-худудий бирликлар чегарасини лойиҳалаш ва белгилаш давомида учраётган муаммоларни ечишга қаратилган ечимларни навбатдаги бобда Фарғона вилоятининг Қўштепа тумани ҳамда Марғилон шаҳарлари

ўртасида маъмурий-худудий чегараларни белгилаш лойиҳа ишларини бажариш жараёнида рақамли технологиялар ёрдамида чегараларини лойиҳалаш ва белгилаш бўйича ишлаб чиқилган технологик схема асосида олиб борилади.

**Хуноса.** Иш давомида маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилашнинг хусусиятлари ўрганилиб, уларга асосланиб маъмурий-худудий бирликлар чегараларини лойиҳалаш ва белгилашда ягона координата тизимиға боғлашда рақамли технологиялардан фойдаланиб ер тузиши ишларини олиб бориш маъмурий чегара бўйича муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

- таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда республикамизда ер хатлови охирги марта 40 йил олдин ўтказилганлиги, хамда 140 та туманнинг маъмурий чегаралари ягона координата тизимиға боғланмаганлиги сабабли, бугунги кунда маъмурий чегараларнинг ўзгартириш ва қайта тиклаш жараёнида илфор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида, маъмурий-худудий бирликлар чегарасини белгилаш ишларини олиб бориш ишнинг сифатини яхшиланишига эришилади.
- таклиф қилинган рақамли технологиялар ёрдамида маъмурий-худудий бирликлар чегараларини лойиҳалаш ва белгилашда технологик схемаси бўйича олиб бориш маъмурий чегарадаги бир қанча муаммоли массалаларни ечиш имконини беради.

### **Фойдаланган адабиётлар руйхати**

1. Эшназаров Д.Б., Эшназарова О.М., Аширалиев Ф.Т. GPS воситалари ёрдамида давлат геодезик тармоғини статик усуlda яратиш // “Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш, барпо этиш, техник эксплуатация қилиш, реконструкциялаш ва модернизациялашнинг долзарб муаммолари” республик илмий-амалий анжумани. Фарғона, 27-28 апрел 2015, 120-121 б
2. Якубжонова Ш.Т. Агротуризмнинг табиий географик жиҳатлари  
(Ўзбекистон мисолида) диссертацияси Автореферати Тошкент –2018 41 б
3. Eshnazarov D.B. Innovative approach to setting and determination of administrative territories Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№8(65), Хоразм Маъмун академияси, 2020 й. – 276 б. 263-265 б
4. Musayev I. M., Eshnazarov D. B., Manopov Kh. V., (2021). Order And Methodology For Determining Administrative-Territorial Borders Based On Digital Technologies. The American Journal of Engineering and Technology, 3(03), 49-57.
5. Niyogi D., Mahmood R. and Adegoke, J.O. 2009. Land-Use/Land-Cover Change and Its Impacts on Weather and Climate. Boundary Layer Meteorology. 133(3), 297-298-p.